

---

## ???? Ўзбекистондаги #эпидемиологик\_вазият'га оид сўнгги янгиликлар

????11 апрель куни Ўзбекистонда коронавирусдан тўртинчи ўлим ҳолати қайд этилди. Сўнгги 12 кун давомида сунъий нафас олиш аппаратида бўлган ёзёвонлик 59 ёшли аёл ўткир нафас ва ўпка-юрак етишмовчилиги натижасида вафот этди (<https://kun.uz/79001098>).

????Тўрт қурбоннинг уч нафари — 60 ёшга бормаган беморлар. Бундан олдин наманганлик 72 ёшли аёл ҳамда Тошкентда 39 ва 40 ёшли эркалар вирусдан вафот этишганди.

????Жами ҳолатлар 767тани ташкил этмоқда (<https://kun.uz/25919513>). Шундан 185таси сўнгги 48 соат ичида аниқланди.

????Карантинга жойлаштирилганларнинг телефонлари улар кимлар билан мулоқотда бўлганини аниқлаш учун ўрганилади (<https://kun.uz/news/2020/04/11/karantinga-joylashtirilganlar-telefonlari-ular-kimlar-bilan-muloqotda-bolganini-aniqlash-uchun-organiladi-adliya-vazirligi>).

????Иқтисодчи Беҳзод Ҳошимов инқироз даврида йирик компаниялардан кўра аҳолига пул тарқатиш самарали деб ҳисобламоқда (<https://kun.uz/news/2020/04/11/hozirgi-inqiroz-davrida-kompaniyalarga-emas-aholiga-pul-tarqatish-samaraliroq-behzod-hoshimov>). Унинг фикрича, пандемия савдога тўсиқлар йўқолиши учун тўртки бўлиши керак (<https://kun.uz/news/2020/04/11/koronavirus-savdoga-tosiq-lar-yoqolishi-uchun-turtki-bolishi-kerak-behzod-hoshimov>).

????Ўзбекистон Беларусь халқига дўстона кўмак кўрсатди (<https://kun.uz/news/2020/04/11/ozbekiston-prezidenti-belarus-xalqiga-dostona-yordam-yubordi>). Бунга қадар Хитой, Эрон, Қирғизистон, Тожикистон ва Афғонистонга ҳам инсонпарварлик ёрдами юборилганди.

2020-04-12 07:19:29